

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДИКАСИ

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
	ЖАМИ:	190	
I.	Профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолияти	65	
1.1	Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида PhD ва DSc (фан доктори ёки фан номзоди) илмий даражасини олган профессор-ўқитувчилар улуши (илмий даражали ва унвонли ПЎларнинг умумий сонига нисбатан % да)	4	<p>Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасалари PhD ва DSc (фан доктори ёки фан номзоди) илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши (% да) куйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.1} = \frac{4P_x}{P_0} \cdot 100\%;$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 4(тўрт).</p> <p>бу ерда: P_0 – ОТМ илмий даражали ва унвонли профессор-ўқитувчиларининг (ПЎ) умумий сони; P_x – Хорижий ОТМларнинг PhD ва DSc (фан доктори, фан номзоди илмий даражаси) илмий даражасига эга ПЎлар сони;</p> <p>Дунёнинг нуфузли 1000 та ОТМ таркибига кирувчи хорижий ОТМлар рўйхати (Халқаро ташкилотларнинг рейтинг рўйхатига кирувчи: QS-Quacquarelli Symonds; ARWU-The Academic Ranking of World Universities; The-Times Higher Education) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан халқаро манбаларга асосланиб аниқланади ва вазирлик сайтида эълон қилинади.</p>
1.2	Рейтингни аниқлаш йилида дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида маърузалар (семинарлар, амалий машғулотлар, тренинглар) ўтказишда иштирок этган профессор-ўқитувчилар улуши (умумий сонига нисбатан % да)	4	<p>Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида маърузалар (семинарлар, амалий машғулотлар, тренинглар) ўтказишда иштирок этган (Давлатлараро, муассасалараро, ОТМлараро шартнома, келишув, ОТМ буйруғига мос равишда) ўқитувчилари сонининг, асосий штатдаги ПЎлар сонига нисбати куйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_{1.2} = \frac{4P_z}{P} \cdot 100\%;$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 4(тўрт).</p> <p>бу ерда: P - ОТМ профессор-ўқитувчиларининг (ПЎ) умумий сони; P_z - дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказган ПЎлар сони;</p> <p>Дунёнинг нуфузли 1000 та ОТМ таркибига кирувчи хорижий ОТМлар рўйхати халқаро</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			манбаларга таянган ҳолда аниқланади ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайтыда эълон қилинади.
1.3	Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти (асосий штатдагилар бўйича, % да), шу жумладан:	5	Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг ОТМнинг асосий штатидаги профессор-ўқитувчилар (ПЎ) умумий сонига нисбатан (%да) қуйидаги формула билан аниқланади:
	1.3.1. Фан доктори (DSc) илмий даражасига эга ПЎлар улуши	3	$I_{1.3} = \left[\frac{3P_x + 2P_y}{P} \right] \cdot 100\%;$
	1.3.2. Фан номзоди (PhD) илмий даражасига эга ПЎлар улуши.	2	<p>Фан доктори (DSc) илмий даражасига эга ПЎлар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.3.1} = \left[\frac{P_x}{P} \right];$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Фан номзоди (PhD) илмий даражасига эга ПЎлар кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.3.2} = \left[\frac{P_y}{P} \right];$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>бу ерда: P - ОТМнинг асосий штатидаги ПЎлар умумий сони; P_x – фан доктори (DSc) илмий даражасига эга ПЎлар сони (санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фахрий унвонга эгалар ҳам ҳисобга олинади); P_y – фан номзоди (PhD) илмий даражасига эга ПЎлар сони (санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фахрий унвонга эгалар ҳам ҳисобга олинади).</p>
1.4	Профессор-ўқитувчиларнинг докторлик диссертациясини химоя қилиш самарадорлиги:	9	Профессор-ўқитувчиларнинг докторлик диссертациясини химоя қилиш самарадорлиги кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисобланади:
	1.4.1. Жорий йилда химоя қилганлар улуши	4	$I_{1.4} = \frac{4D_1}{P} + \frac{3D_2}{P_y} + \frac{2D_3}{P_h};$
	1.4.2. Ўтган йилда химоя қилганлар улуши 1.4.3. Докторлик диссертациясини ОТМ профессор-ўқитувчиси раҳбарлигида химоя қилганлар улуши (жорий ва ўтган йилда)	3 2	<p>Жорий йилда ОАК Раёсати томонидан фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланган ПЎлар сони кўрсаткичи:</p> $I_{1.4.1} = \frac{D_1}{P};$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 4(тўрт).</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			$I_{1.4.2} = \frac{D_2}{P_{\dot{y}}};$ Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч). $I_{1.4.3} = \frac{D_3}{P_h};$ Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки). бу ерда: P - университет профессор-ўқитувчиларининг умумий сони; D ₁ ва D ₂ - мос равишда жорий ва ўтган йилда ОТМ профессор-ўқитувчиларининг ОАК Раёсати томонидан тасдиқланган докторлик диссертациялари сони (шу жумладан, профессор ёки доцент илмий унвонини олганлар сони); D ₃ -докторлик диссертациясини ОТМ профессор-ўқитувчиси раҳбарлигида ҳимоя қилганлар сони P ва P _ḡ – мос равишда жорий ва ўтган йилда профессор-ўқитувчилар сони; P _h – жорий ва ўтган йилда ҳимоя қилганларнинг жами сони.
1.5	Халқаро кўрсаткичларга кўра ОТМ профессор-ўқитувчилари нашрларига иқтибослар, шу жумладан: 1.5.1. Ўзбек ва МДХ давлатлари тилларида 1.5.2. Хорижий тилларда	6	Google scholar тизимида ОТМ профессор-ўқитувчиларининг хорижий, ўзбек ва рус тилларидаги нашрларига умумий иқтибослик кўрсаткичи куйидаги формула билан аниқланади: $I_{1.5} = \frac{2S_4 + 4S_5}{P};$ -ўзбек ва рус тилларидаги нашрларга иқтибослик кўрсаткичи (коэффициент – 2(икки): $I_{1.5.1} = \frac{S_4}{P};$ -хорижий тиллардаги нашрларга иқтибослик кўрсаткичи (коэффициент – 4(тўрт): $I_{1.5.2} = \frac{S_5}{P};$ бу ерда: P – ОТМ профессор-ўқитувчиларининг умумий сони; S ₄ - Google scholar тизимида халқаро индексларга кўра ОТМ профессор-ўқитувчилари нашрларига ўзбек ва рус тилларидаги иқтибослар сони; S ₅ - Google scholar тизимида халқаро индексларга кўра ОТМ профессор-ўқитувчилари нашрларига хорижий тиллардаги иқтибослар сони.

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
1.6	<p>Халқаро илмий журналларда, маҳаллий илмий нашрларда (ОАК рўйхатига киритилган) чоп этилган мақолалар ва монографиялар (1 профессор-ўқитувчи ҳисобига) сони, шу жумладан:</p> <p>1.6.1. Халқаро журналлардаги (ОАК рўйхатидаги ва инпакт-факторли журналлардаги) илмий мақолалар</p> <p>1.6.2. Чоп этилган монографиялар</p> <p>1.6.3. Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар</p>	<p>8</p> <p>3</p> <p>3</p> <p>2</p>	<p>Халқаро илмий журналларда, маҳаллий илмий журналларда (ОАК рўйхатига киритилган) йил давомида чоп этилган мақолалар ва чиқарилган монографиялар сони кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.6} = \frac{3S_7 + 3S_8 + 2S_9}{P};$ <p>Халқаро журналлардаги илмий мақолалар сони кўрсаткичи:</p> $I_{1.6.1} = \frac{S_7}{P};$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Чоп этилган монографиялар сони кўрсаткичи: $I_{1.6.2} = \frac{S_8}{P}$; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар сони кўрсаткичи: $I_{1.6.3} = \frac{S_9}{P}$; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>бу ерда: P - университет профессор-ўқитувчилари умумий сони; S₇ - халқаро журналлардаги илмий мақолалар сони; S₈ - нашр этилган монографиялар сони; S₉ - республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар сони.</p> <p>Таълим, илмий ва тадқиқот муассасалари, давлат ҳокимият органлари, ҳокимият бошчилигидаги (қўмиталар, АК, НК) хўжалик бошқаруви органлари Илмий маслаҳати томонидан тавсия этилган, давлат рўйхатидан ўтган нашриёт томонидан чоп этилган монографиялар ҳисобга олинади. Чет элда нашрдан ўтган илмий журналлар рўйхатини ОАК белгилайди.</p>
1.7	<p>Илмий-тадқиқот фаолияти ва амалиётга ўзининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тақдим этиши асосида олинган маблағлар ҳажми (1 профессор-ўқитувчига тўғри келадиган), шу жумладан:</p>	<p>8</p>	<p>Хорижий фондлар грантлари ва хорижий илмий тадқиқот марказлари буюртмалари орқали олинган молиявий маблағлар, соҳалар буюртмалари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган молиявий маблағлар, давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган молиявий маблағлар, лицензияли келишувлар асосида олинган маблағлар кўрсаткичи қуйидаги формулалар асосида аниқланади:</p> $I_{1.7} = \frac{3T_4 + 2T_5 + 2T_6 + T_l}{P};$ <p>Хорижий илмий тадқиқот марказлари грантлари ва хорижий илмий фондлари</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			<p>буюртмалари ҳисобига олинган маблағлар:</p> $I_{1.7.1} = \frac{T_4}{P};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Соҳалар буюртмалари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган молиявий маблағлар:</p> $I_{1.7.2} = \frac{T_5}{P};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>Давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар: $I_{1.7.3} = \frac{T_6}{P};$</p> <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>Лицензияли келишувлар асосида олинган маблағлар: $I_{1.7.4} = \frac{T_l}{P};$ кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 1(бир).</p> <p>бу ерда:</p> <p>T_4 – хорижий илмий фондлар ва тадқиқот марказларининг грантлари ва буюртмалари асосида олинган маблағлар;</p> <p>T_5 - соҳа буюртмалари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар;</p> <p>T_6 - давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар;</p> <p>T_l - лицензия шартномаларидан олинган маблағлар;</p> <p>P - ОТМ профессор-ўқитувчиларининг умумий сони.</p> <p>Хорижий илмий фондлар ва тадқиқот марказларининг грантлари ва буюртмалари асосида олинган маблағлар ҳажми ҳорижий валютани ЎзР МБ курси асосида ҳисоб йилининг 31 декабрь ҳолатига кўра сўмга ўтказилган ҳолида аниқланади.</p>
1.8	Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги:	8	<p>ОТМ ПЎлари томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот ишлар (интеллектуал мулк объектларига бўлган химоя (патентлар) ҳужжатлар, амалиётга жорий этилган илмий ишланмалар, ОТМ профессор-ўқитувчилари илмий-технологик ишланмалари асосида тузилган лицензия шартномалари) самарадорлиги кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисобланади:</p> $I_{1.8} = \frac{3T_7 + 2T_8 + 3K_{л}}{P};$ <p>Интеллектуал мулк объектларидан олинган химоя ҳужжатлари (патентлар):</p> $I_{1.8.1} = \frac{T_7}{P};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Амалиётга қўлланган илмий ишланмалар:</p>
	1.8.1. Интеллектуал мулк объектларидан олинган химоя ҳужжатлари (патентлар) сони	3	
	1.8.2. Амалиётга қўлланган илмий ишланмалар миқдори (тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар асосида)	2	
	1.8.3. Интеллектуал мулк натижалари асосида тузилган лицензия шартномалари сони	3	

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			$I_{1.8.2} = \frac{T_8}{P}$; кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки). Интеллектуал мулк натижалари асосида тузилган лицензия шартномалари: $I_{1.8.3} = \frac{K_{л}}{P}$; кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч). бу ерда: Т ₇ - Интеллектуал мулк учун химояланган ҳужжатлар (патентлар) сони; Т ₈ - мос бошқарув органлари томонидан тадқиқ қилиш актлари асосида тасдиқланган амалиётга қўлланган илмий тадқиқотлар сони. К _л - ОТМ профессор-ўқитувчилари яратган илмий-техникавий янгиликлар бўйича тасдиқланган лицензияли шартномалар сони; Р - ОТМ профессор-ўқитувчиларининг умумий сони.
1.9	Халқаро ва республика нуфузли танловларида совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ПЎлар улуши	5	Халқаро ва республика нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган профессор-ўқитувчилар салмоғи кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади: $I_{1.9} = \frac{3P_{1.9.1} + 2P_{1.9.2}}{P} \cdot 100\%$;
	1.9.1. Халқаро миқёсда	3	
	1.9.2. Республика миқёсида	2	Халқаро нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлганлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Давлат унвонига эга бўлган совриндор профессор-ўқитувчилар улуши кўрсаткичи қуйидагича аниқланади: $I_{1.9.1} = \frac{P_{1.9.1}}{P}$; Республика нуфузли танловларида совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган профессор-ўқитувчилар улуши кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича: $I_{1.9.2} = \frac{P_{1.9.2}}{P}$; бу ерда: Р - ОТМ профессор-ўқитувчиларининг умумий сони; Р _{1.9.1} - халқаро нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони Давлат унвонига эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони; Р _{1.9.2} - Республика нуфузли танловларида совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофотлар (фахрий унвонлар, давлат мукофотлари)га сазовор бўлган профессор-ўқитувчилар сони; Халқаро олимпиадалар ва танловлар тан олинган халқаро ташкилотларнинг расмий ҳужжатлари асосида ҳисобга олинади. Ваколатли давлат бошқаруви органлари қарорлари бўйича ташкил этилган республика

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
1.10	Профессор-ўқитувчиларнинг дарс бераётган фани, хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражасини аниқлаш, шу жумладан:	8	<p>танловлари ва мусобақалар ҳисобга олинади.</p> <p>Пўларнинг дарс бераётган фани, хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{1.10} = \frac{4P_6 + 2P_7 + 2P_8}{P};$ <p>Пўларнинг дарс бераётган фанларини билиши кўрсаткичи формуласи:</p> $I_{1.10.1} = \frac{P_6}{P};$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 4(тўрт).</p> <p>Пўларнинг хорижий тилларни билиш кўрсаткичи формуласи:</p> $I_{1.10.2} = \frac{P_7}{P};$
	1.10.1. Дарс бераётган фани бўйича	4	
	1.10.2. Хорижий тиллар бўйича	2	
	1.10.3. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича	2	<p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>Пўларнинг ахборот-коммуникация технологияларни билиш кўрсаткичи формуласи:</p> $I_{1.10.3} = \frac{P_8}{P};$ <p>Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>бу ерда:</p> <p>Р - ОТМ Пўларининг умумий сони;</p> <p>Р₆ - дарс бераётган фанлари бўйича ижобий баҳоланган Пўлар сони;</p> <p>Р₇ – хорижий тиллар бўйича ижобий баҳоланган Пўлар сони;</p> <p>Р₈ . ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ижобий баҳоланган Пўлар сони.</p> <p>Ижобий баҳоланган Пўлар сони Давлат инспекцияси томонидан ўтказилган назорат синовлари натижалари бўйича аниқланади.</p> <p>Саволлар базаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражасига қўйилган талаблар асосида тузилади.</p> <p>Бунда ўқитувчи-нофилологлар учун В2 даражасини тасдиқловчи ҳамда филологлар учун С1 даражасини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар мавжуд ҳолларда хорижий тилдан максимал балл тақдим этилади.</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
II.	Ўқув-услубий ишлар ва ўқитиш сифати	57	
2.1	<p>Таълим бериш сифати даражаси (дарсларни таҳлил қилиш ва талабалардан ўтказилган сўровнома натижалари асосида), шу жумладан:</p> <p>2.1.1. Таълим олиш учун яратилган шароитлар (сўровнома асосида)</p> <p>2.1.2. Дарсларнинг сифати (дарс таҳлили ва сўровнома асосида)</p> <p>2.1.3. Талабалар билимининг ҳолисона баҳоланиши (сўровнома асосида)</p>	<p>9</p> <p>3</p> <p>5</p> <p>2</p>	<p>Таълим бериш сифати даражаси талабалардан ижтимоий сўровнома натижалари бўйича қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{2.1} = \frac{3T_1 + 5T_2 + 2T_3}{3T};$ <p>Таълим олиш учун яратилган шароитлар кўрсаткичи:</p> $I_{2.1.1} = \frac{T_1}{T};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p> <p>Профессор-ўқитувчилар дарсларининг сифати кўрсаткичи:</p> $I_{2.1.2} = \frac{T_2}{T};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 5(беш).</p> <p>Талабалар билимини ҳолисона баҳолаш кўрсаткичи:</p> $I_{2.1.3} = \frac{T_3}{T};$ <p>кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>бу ерда:</p> <p>T - сўровномада иштирок этган талабалар сони; T₁ - таълим олиш учун яратилган шароитлар бўйича берилган ижобий жавоблар сони; T₂ - профессор-ўқитувчилар дарсларининг сифатига берилган ижобий жавоблар сони; T₃ - талабалар билимини баҳолашнинг ҳолисалиги ва ПЎларга берилган ижобий жавоблар сони;</p> <p>T₁, T₂, T₃ барча ижобий баҳоларнинг ўртача арифметикаси қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $T_1 = \frac{N_5 + N_4}{n_1}, \quad T_2 = \frac{N_5 + N_4}{n_2}, \quad T_3 = \frac{N_5 + N_4}{n_3},$ <p>бу ерда:</p> <p>N₅ - ҳар бир мезон бўйича энг ижобий жавоблар сони ва N₄ - ҳар бир мезон бўйича ижобий жавоблар сони, n₁, n₂, n₃ - ҳар бир кўрсаткич бўйича саволлар сони.</p> <p>Сўровнома саволлари Давлат инспекцияси томонидан тузилади. Талабалардан сўров ўтказиш Давлат инспекцияси ва ОЎМТВ биргаликда тасдиқлаган тест ва сўров ўтказиш тартиби асосида ўтказилади.</p> <p>Сўров ўтказиладиган таълим йўналишлари ва фанлар руйхати ОЎМТВ ва Давлат инспекцияси томонидан аниқланади.</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
2.2	ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан ёзиб тайёрланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, чоп қилинган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, шу жумладан:	25	<p>ОТМ ПЎлари томонидан рейтинги аниқланаётган йилда белгиланган тартибда тайёрланиб чоп қилинган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар салмоғини аниқлаш формуласи:</p> $I_{2.2} = \left[\frac{15S_1 + 10S_2}{P} \right] 100\%;$ <p>Дарсликлар кўрсаткичи формуласи: $I_{2.2.1} = \frac{S_1}{P}$; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 15(ўн беш).</p> <p>Ўқув қўлланмалар кўрсаткичи формуласи: $I_{2.2.2} = \frac{S_2}{P}$; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 10(ўн).</p> <p>бу ерда: S_1-дарсликлар сони; S_2- ўқув қўлланмалар сони; P- ОТМ ПЎларининг умумий сони.</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ грифга эга бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар (электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар) ҳисобга олинади. Ҳисоб йилида қайта нашр қилинган, таржима қилиниб белгиланган тартибда нашр қилинган ва таянч ОТМлар билан келишган ҳолда ОТМ ИК қарори тавсия асосида нашр қилиниб фойдаланишга киритилган дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳам эътиборга олинади.</p>
	2.2.1. Дарсликлар	15	
	2.2.2. Ўқув қўлланмалар	10	
2.3	Хорижий ўқитувчилар ва талабалар (мос равишда умумий сонга нисбатан % да) улуши, шу жумладан:	10	<p>Хорижий ўқитувчилар ва талабалар улушини аниқлаш формуласи:</p> $I_{2.3} = \left[\frac{5P_2}{P} + \frac{3P_3}{P_1} + \frac{2P_x}{P_N} \right] \cdot 100\%;$ <p>$I_{2.3.1} = \frac{P_2}{P}$; - хорижий ўқитувчилар улуши; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 5(беш).</p> <p>$I_{2.3.2} = \frac{P_3}{P_1}$; - хорижий талабалар улуши; Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти - 3(уч).</p>
	2.3.1. Хорижий ўқитувчилар	5	
	2.3.2. Хорижий талабалар	3	
	2.3.3. Чет эллик талабаларнинг хилма-хиллиги	2	

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			$I_{2.3.3} = \frac{P_x}{P_N};$ <p>- хорижий талабаларнинг хилма-хиллиги коэффициенти;</p> <p>Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 2(икки).</p> <p>бу ерда:</p> <p>P - ОТМ ПЎларининг умумий сони;</p> <p>P₁ - ОТМ талабаларининг умумий сони (бакалавриат ва магистратура);</p> <p>P₂- хорижий ўқитувчилар сони; P₃- хорижий талабалар сони;</p> <p>P_N- хорижий давлатлар сони (шартли равишда P_N =200 та деб қабул қилиш мумкин);</p> <p>P_x-ОТМга хориждан талабалар келиб ўқиётган давлатлар сони.</p>
2.4	<p>Хорижий ОТМлар билан алмашув дастурларида ўқитувчилар ва талабаларнинг иштирок этиши, шу жумладан:</p> <p>2.4.1. Академик алмашув (талабалар томонидан)</p> <p>2.4.2. Илмий, ўқув лойиҳаларда (хорижий, қўшма) иштирок этиши</p> <p>2.4.3. Халқаро конференциялар, семинарларда иштирок этиш</p>	<p>10</p> <p>5</p> <p>3</p> <p>2</p>	<p>Хорижий ОТМлар билан алмашув дастурларида ўқитувчилар ва талабаларнинг иштирок этишини аниқлаш формуласи:</p> $I_{2.4} = \frac{5P_4 + 3P_{5.1} + P_{6.1}}{P_1} + \frac{2P_5 + P_6}{P};$ <p>Академик алмашуви (талабалар) формуласи: $I_{2.4.1} = \frac{P_4}{P_1};$</p> <p>Талабаларнинг илмий, ўқув лойиҳаларда (хорижий, қўшма), иштирок этиши - формуласи:</p> $I_{2.4.2.1} = \frac{P_{5.1}}{P_1};$ <p>Ўқитувчиларнинг (кафедра) илмий, ўқув лойиҳаларда (хорижий, қўшма) иштирок этиши - формуласи:</p> $I_{2.4.2.2} = \frac{P_5}{P};$ <p>Талабаларнинг хорижий халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиши - формуласи:</p> $I_{2.4.3.1} = \frac{P_{6.1}}{P_1};$ <p>Ўқитувчиларнинг хорижий халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиши - формуласи:</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			$I_{2.4.3.2} = \frac{P_6}{P};$ <p>бу ерда: P - ОТМ ПЎларининг умумий сони; P₁ - ОТМ талабаларининг (бакалаврият, магистратура) умумий сони; P₄ - академик алмашув дастурларда иштирок этувчи талабалар сони; P₅ – илмий ёки таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этган ПЎлар сони; P_{5.1} – илмий ёки ўқув лойиҳаларда (хорижий, қўшма) иштирок этган талабалар сони; P₆ - халқаро конференциялар ёки семинарларда иштирок этган ПЎлар сони; P_{6.1} - халқаро конференция ёки семинарларда иштирок этган талабалар сони.</p> <p>Алмашув дастурларида иштирок этаётган талабалар улуши кўрсаткичининг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2 (икки).</p> <p>Ҳисобланадиган йилда алмашув дастурида қатнашувчи талабалар сонига – ОТМлараро, идоралараро, давлатлараро шартнома ва келишувлар асосида ҳисоб йилда партнер хорижий ОТМларнинг ўқув курсларини ўтаган, хорижий ОТМларнинг талабалари ушбу ОТМнинг ўқув курсларини ўтаганлари киради.</p> <p>Ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ва таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этиши улуши кўрсаткичининг солиштирма оғирлик коэффициенти - 2 (икки).</p> <p>Ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ва таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этишига жорий ҳисоб йилдаги ўқитувчи ва талабаларнинг амалдаги хорижий лойиҳалар, хорижий шериклар билан қўшма лойиҳаларда иштироқи киради.</p> <p>Хорижий халқаро анжуманлар ёки семинарларда ўқитувчилар ва талабалар иштироқи кўрсаткичларининг солиштирма оғирлик коэффициенти – 1 (бир).</p> <p>Ўқитувчи ва талабаларнинг хорижий анжуманлар ёки семинарларда иштирок этганлар сонига жорий йилдаги ўқитувчи ва талабаларнинг хорижий халқаро анжуман ва семинарларда қатнашиши учун ОТМ (идора, давлат) томонидан йўналтирилганлари киради.</p>
2.5	<p>Таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича чет тилида ўқитиладиган фанлар сони (жамига нисбатан %)</p>	3	<p>ОТМ таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича ўқув курс(фан)ларнинг (ҳар бир йўналишнинг амалдаги ишчи ўқув режаларига асосан) умумий сонига нисбатан хорижий тилларда ўқитиладиган ўқув курслари улушини аниқлаш формуласи:</p> $I_{2.5} = \frac{K_1}{K} 100\%;$ <p>бу ерда:</p> <p>K - ўқув курсларининг умумий сони (ихтисослик ва махсус фанлар);</p> <p>K₁ - хорижий тилда ўқитиладиган ўқув курс(фан)лари сони.</p> <p>Бу ҳолда K, K₁ларни ҳисоблаганда хорижий тилларни ўрганишдаги фанлар инobatга олинмайди.</p> <p>Буни тасдиқлаш учун хорижий тилдаги ўқув фани дастури, ўқитувчининг хорижий тилни муқаммал билиши тўғрисидаги тегишли ҳужжат, хорижий тилда ўтилатган махсус курслар</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			тўғрисидаги ректорнинг буйруғи тақдим этилиши шарт.
III.	Талабалар билими ва битирувчилар сифати	53	
3.1	3.1.1. Юқори курс талабаларини мутахассислик фанлари бўйича билимларини баҳолаш	25	<p>Талабаларнинг фанлар бўйича билим даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{3.1} = \left[\frac{25T_{уб}}{T_{иш}} \right] \cdot 100\%;$ <p>Юқори курс талабаларининг билим даражаси кўрсаткичи: $I_{3.1.1} = \frac{T_{уб}}{T_{иш}}$; кўрсаткичнинг солиштира оғирлиги – 25(йигирма беш); бу ерда: $T_{уб}$ – билими ижобий баҳоланган юқори босқич талабалари сони; $T_{иш}$ – тест синовларида иштирок этган юқори босқич талабалари сони; Тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари (мутахассисликлар) ва мутахассислик фанлари руйхати ОЎМТВ томонидан таянч ОТМлар таклифи асосида аниқланади. Тест материаллари таянч ОТМлар томонидан тайёрланади ва ОЎМТВга белгиланган муддатда тақдим этилади. Тестга жалб қилинадиган академик гуруҳлар Давлат инспекцияси томонидан аниқланади. Тест ўтказиш жадвали ва тартиби Давлат инспекцияси ва ОЎМТВ томонидан тасдиқланади. Тест саволлари “аъло”, “яхши”, “қониқарли”, “қониқарсиз” шкаласи асосида баҳоланади. Таълимнинг танланган йўналишларида талабаларнинг 30-50% қисми тест синовларида иштирок этадилар.</p>
3.2	Ўқишни тугатгандан кейин ишга жойлашган битирувчилар улуши	10	<p>ОТМ ни тамомлагандан кейин ишга жойлашган битирувчилар улуши кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_{3.2} = \left[\frac{10P_7}{P_8} \right] \cdot 100\%;$ <p>Жорий йилда ўқишни битириб ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар кўрсаткичи:</p> $I_{3.2.1} = \frac{P_7}{P_8};$ <p>кўрсаткичнинг солиштира оғирлиги – 10(ўн). P_7 - ОТМни муваффақиятли битирганлардан мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлари сони;</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
			<p>P_8 - ОТМни жорий йилда муваффақиятли битирганлар сони; Ишга жойлашган битирувчилар сони Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йиллик статистик ҳисоботлари бўйича йиғилади.</p>
3.3	<p>Халқаро ва республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган талабалар сони, шу жумладан:</p>	8	<p>Халқаро ва республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган талабалар салмоғи кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_{3.3} = \frac{6P_{3.3.1} + 2P_{3.3.2}}{P_1} \cdot 100\% ;$ <p>Халқаро олимпиадаларда ва нуфузли танловларда (ОТМ мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлганлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари бўлган талабалар улуши кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:</p> $I_{3.3.1} = \frac{P_{3.3.1}}{P_1} ;$
	3.3.1. Халқаро миқёсда	6	<p>Республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлганлар талабалар улуши кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича:</p> $I_{3.3.2} = \frac{P_{3.3.2}}{P_1} ;$ <p>бу ерда: P_1 - ОТМ талабаларининг (бакалавр, магистратура) умумий сони;</p>
	3.3.2. Республика миқёсида	2	<p>$P_{3.3.1}$ - халқаро олимпиадаларда ва нуфузли танловларда (ОТМ мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари бўлган талабалар сони;</p> <p>$P_{3.3.2}$ - Республика олимпиадаларда ва нуфузли танловларда (ОТМ мутахассисликлари бўйича) совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган талабалар сони;</p> <p>Ваколатли давлат бошқаруви органлари қарорлари бўйича ташкил этилган республика олимпиадалари, танловлар, мусобақалар ҳисобга олинади.</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
3.4	ОТМ тасарруфидаги академик лицей (АЛ) бiritувчиларининг ОТМларга ўқишга кириш даражаси	5	<p>ОТМ тасарруфидаги академик лицей бiritувчиларининг ОТМларга ўқишга кириш кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:</p> $I_{3.4} = \left[\frac{5L_3}{L_2} \right] \cdot 100\%;$ $I_{3.4.1} = \frac{L_3}{L_2} - \text{ОТМларга ўқишга кирганлар кўрсаткичи формуласи. Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 5 (беш)}$ <p>Бу ерда: L_2 – академик лицей бiritувчиларининг умумий сони; L_3 - ОТМларга ўқишга кирганлар сони.</p>
3.5	Ёш мутахассисларнинг қўнимсизлиги (Олий таълим муассасасидан сўнгги 3 йил давомида ишдан бўшаб кетган ёш* мутахассислар салмоғи, %да) *) - 35 ёшгача бўлганлар	5	<p>Олий таълим муассасасидан сўнгги 3 йил давомида ишдан бўшаб кетган ёш мутахассислар салмоғи қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{3.5} = \frac{5Y_1}{Y} \cdot 100\%;$ <p>бу ерда: Y_1 - сўнгги 3 йилда ишдан бўшаб кетган ёш мутахассислар сони; Y - сўнгги 3 йилда ОТМга ишга кирган ёш мутахассислар сони. Изоҳ. Натижани ҳисоблашда энг кичик қийматга тах балл берилади.</p>
IV	Ўқув жараёнининг моддий-техник таъминланганлиги, АКТни қўллаш ва бошқалар	15	
4.1.	Ўқув жараёнининг замонавий компьютер техникаси ва ўқув-тақдимот қурилмалари билан таъминланганлиги, шу жумладан:	5	<p>ОТМ моддий-техник базасини замонавий компьютер техникаси ва мултимедиа ўқув-тақдимот қурилмалари билан таъминланганлик даражаси қуйидаги формула орқали аниқланади:</p> $I_{4.1} = \frac{3P_{17}}{P_{18}} + \frac{2P_{19}}{P_{20}};$
	4.1.1. Ўқув жараёнида талабалар фойдаланаётган компьютерлар улуши	3	Ўқув жараёнида талабалар фойдаланиши учун барча имкониятларга эга бўлган (интернет тармоғи юқори тезликда доим ишлаб турган, ОТМ таълим ресурсларига чиқиш имкони

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
	4.1.2. Замонавий ўқув-тақдимот қурилмалари билан жиҳозланган аудиториялар, техник таъминланган махсус ўқув хоналар улуши	2	<p>мавжуд бўлган) компьютерларнинг ОТМдаги жами компьютерлар сонига нисбати қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{4.1.1} = \frac{P_{17}}{P_{18}}; \text{ Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 3 (уч).}$ <p>Стационар ўқув-тақдимот қурилмалари ва мултимедиа ускуналари билан жиҳозланган аудиториялар, техник таъминланган махсус ўқув хоналар сонининг аудиториялар умумий сонига нисбати қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{4.1.2} = \frac{P_{19}}{P_{20}}; \text{ Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 2 (икки).}$ <p>бу ерда: P_{17} - талабалар самарали фойдаланиши учун барча имкониятларга эга бўлган жами компьютерлар сони; P_{18} - ОТМдаги жами компьютерлар сони; P_{19} - ўқув-тақдимот ва мултимедиа ускуналари билан жиҳозланган аудиториялар умумий сони; P_{20} - ОТМ ўқув аудиторияларининг умумий сони.</p>
4.2	ОТМ лаборатория хоналарининг фан дастурларида белгиланган лаборатория машғулоти учун керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, %да.	5	<p>Лаборатория машғулоти учун керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлик кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади: $I_{4.2} = \frac{P_{л1} + 0,5P_{л2}}{P_{л}} \cdot 100\%;$</p> <p>бу ерда: $P_{л1}$ – лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган ва амалий бажариладиган ишларнинг жами сони; $P_{л2}$ – компьютер анимацияси тарзида бажариладиган ишларнинг жами сони; $P_{л}$ – ОТМ бўйича барча йўналиш ва мутахассисликларда режалаштирилган лаборатория ишларининг жами сони.</p>
4.3	<p>Интернетда ОТМ веб-саҳифасининг сифати (ОТМ тўғрисида керакли маълумотнинг мавжудлиги, нашрлар ва материаллар, фойдаланувчиларнинг электрон талаблари учун мўлжалланган алоқа маълумотлари, саҳифанинг янгилиниши ва ҳ.к.)</p> <p>4.3.1. Бутун жаҳон университетларининг Webometrics веб-саҳифалари рейтинг тизимидаги ОТМ веб-саҳифасининг рейтинги</p>	5	<p>Интернет тармоғида ОТМ тўғрисидаги маълумотнинг сифат ва мавжудлилик даражаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $I_{4.3} = 3 \cdot \left[1 - \frac{R}{N} \right] + 2 \cdot \left[1 - \frac{U}{N} \right];$ <p>Webometrics ОТМлар веб-сайтлари рейтингида ОТМ веб-сайти эгаллаган ўрни рейтингда қатнашаётган Ўзбекистон Республикаси ОТМлари кесимида қуйидаги формула орқали аниқланади:</p>

Т/р	ИНДИКАТОРЛАР	Балл	Ҳисоблаш усули ва формуласи
	4.3.2. www.uz миллий қидирув тизимида ОТМ веб-саҳифасининг рейтинги	2	$I_{4.3.1} = \left[1 - \frac{R}{N} \right];$ <p>Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 3(уч).</p> <p>www.uz миллий қидирув тизимининг ОТМлар веб-сайтлари рейтингида ОТМ веб-сайти эгаллаган ўрни ОТМлар кесимида қуйидаги формула билан аниқланади:</p> $I_{4.3.2} = \left[1 - \frac{U}{N} \right];$ <p>кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 2(икки). Бу ерда:</p> <p>R - Webometrics ОТМлар веб-сайтлари рейтинги тизимида ОТМ веб-сайти жойлашган тартиб рақами (рейтингда қатнашаётган Ўзбекистон ОТМлари кесимида);</p> <p>N – рейтингда қатнашаётган ОТМларнинг умумий сони;</p> <p>U - www.uz миллий қидирув тизимида ОТМ веб-сайти жойлашган тартиб рақами (рейтингда қатнашаётган ОТМлар кесимида).</p>